

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ИНВЕСТИЦИОН КРЕДИТЛАШ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОХОТЛАР

Хужамкулов Дилмурод Юсупалиевич

Oriental университети профессори, и.ф.н.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10117946>

Аннотация. Мазкур тезисда Ўзбекистонда итижорат банклари томонидан амалга оширилаётган инвестицион кредитлаш тизимидағи ислоҳотлар таҳлили ва самаралари ёритилган.

Калит сўзлар: тижорат банклари, инвестиция лойиҳаси, инвестицион кредит, инвестицион кредитлаш, тадбиркор.

Бугунги жадал ўзгаришлар босқичида турган Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар самаралари мамлакатимизда молиялаштирилаётган, жумладан, тижорат банклари иштирокида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари натижаларида ўзини тўла намоён этмоқда. Миллий иқтисодиётнинг очиқлик даражасини ошириш ҳамда унга ички ва ташқи инвестицияларни фаол жалб этиш борасидаги жадал ислоҳотлар тижорат банклари томонидан лойиҳаларни инвестицион кредитлашга бўлган талабни янада оширмоқда. Бу эса тижорат банклари томонидан инвестицион кредитлаш тизими самарадорлигини ошириш ва уни янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Тижорат банклари томонидан амалга оширилаётган инвестицион кредитлаш жараёнлари Ҳукумат ташаббуси билан боғлиқ ва мустақил равища тижорат банклари томонидан молиялаштириладиган лойиҳалар сонининг ва ҳажмининг йил сайин ортиб боришида намоён бўлмоқда.

Ўз навбатида, инвестицион кредитлаш ҳажми ва кўламигин ортиб бориши улар билан боғлиқ бўлган олдиндан кутилган ва кутилмаган рискларнинг вужудга келиши оқибатида тижорат банклари олдида муаммоли кредитларнинг пайдо бўлиш хавфини ҳам кучайтиromoқда. Бу қуйидаги омилларда ҳам намоён бўлмоқда:

- лойиҳа ташаббускори томонидан уни ишлаб чиқишидаги уқув ва малакасизлик;
- қарз олувчи томонидан банкка ишончсиз маълумотларнинг тақдим этилиши;
- инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказишда ахборотлар манбасининг камлиги ёки эскилиги;
- лойиҳани баҳолаш жараёни тажрибасиз ва малакасиз кадрлар томонидан олиб борилиши;
- инвестиция лойиҳаларининг Ўзбекистон муҳитига, шароитига, аҳоли менталитетига, ижтимоий муҳитига қанчалик тўғри келиши нуқтаи назаридан пухта ва чуқур ўрганилмаслиги ва сифатсиз таҳлили;
- қарз олувчи гаровга қўйган ёки учинчи шахс кафиллигидаги мол-мулк қийматининг асоссиз ошириб баҳоланиши ва асл бозор қийматига мос келмаслиги;
- қарз олувчи гаровга қўйган мол-мулкнинг у тавсиф этган даражадагидек яроқли ва ликвидли актив бўлиб чиқмаслиги;
- қарз олувчининг лойиҳани ўз улуши қийматида молиялаштиришдаги муаммоларнинг вужудга келиши;

- қарз олувчи томонидан лойиҳа графигининг ўз муддатида бажарилишида сурункали кечикишларга йўл қўйилиши натижасида унинг банк олдидағи мажбуриятларини ўз вақтида бажаришига птуретиши.

Бундай ҳолатлар макроқўламда улкан муаммоли кредитларни келтириб чиқариши мумкинки, бу эса капитал трансформациялашувига ва унга кредитлар тақдим этган тијорат банклари молиявий ҳолатига ҳам жиддий салбий тасир қўрсатади. Шу сабабдан бугунги кунда тијорат банклари томонидан инвестицион кредитлаш тизимида ҳам муҳим ислоҳотларни амалга ошириш давр талаби ҳисобланади.

Мазкур масалани ҳал этишда турли чоралар амалга ошириб келинаётган бўлса-да, бироқ, бугунги кун талаби тијорат банклари томонидан лойиҳаларни инвестицион кредитлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш зарурлигини тақозо этади.

Буни инвестицион кредитлаш тизимини ривожлантиришга тўсиқ бўлиб турган қўйидаги муаммоларда кўриш мумкин:

- республикамиз тијорат банкларида узоқ муддатли барқарор ресурсларнинг этишмаслиги;
- инвестицион кредитлардан фойдаланиш самарадорлигининг юқори эмаслиги;
- тијорат банклари томонидан инвестицион кредитларни тақдим этиш механизмида камчиликларнинг мавжудлиги;
- тијорат банкларининг суғурта компанияларига бўлган ишончининг юқори эмаслиги ҳамда республикамизда суғурта компанияларининг суғурталаш механизми такомиллашмаганлиги;
- истиқболли инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг мақбул шакллари ва шартлари тўғрисидаги маълумотларни оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, интернет тармоғидан кенг тарғиб қилиш механизми такомиллашмаганлиги;
- банк тизимида тадбиркорларни қўллаб-қувватлайдиган “loyiҳalap fabrikasi” фаолиятини йўлга қўйилмаганлиги;
- тијорат банкларида инвестиция лойиҳаларини кредитлаш учун ресурсларнинг этишмаслиги;
- тијорат банклари томонидан инвестиция лойиҳаларини кредитлашдагги фоиз ставкаларининг юқорилиги;
- тијорат банкларида муаммоли кредитлар ҳажмининг ортиб бориши ва банк ликвидлиги даражасининг пастлиги ва шу кабилар.

Юқоридаги ҳолатлар Ўзбекистонда банк тизимида муҳим стратегик ўзгаришларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиши стратегияси тўғрисидаги” ПФ-5992-сонли Фармонининг қабул қилинишига сабаб бўлди [1]. Фармонда белгиланган Стратегияни амалга оширишга хизмат қиласидиган қўйидаги айrim вазифаларни алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозим:

- банк секторини тубдан трансформация қилиш, яъни замонавий банк тизимини шакллантириш;
- банкларнинг инвестициявий жозибадорлиги сифатини ошириш;
- банк хизматларининг янги стандартларини жорий этишга қаратилган банк тизимида комплекс ўзгартирishларни амалга ошириш;

- хусусий сектор ривожланишини рағбатлантириш;
- банкларининг инвестицион кредитлаш тизимини истиқболлари йўналишларини ишлаб чиқиши;
- истиқболли лойиҳалар асосида юқори технологияли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ишлаб чиқаришларни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш ва шу асосда ҳудудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини таъминлаш;
- Ўзбекистон Республикаси давлат кафолати остида хорижий кредитлар жалб қилган ҳолда амалга ошириладиган истиқболли инвестиция лойиҳаларининг самарали дастурини ишлаб чиқиши;
- давлат улуши мавжуд камида учта банк капиталларига зарур тажриба, билим ва обрўга эга камида учта стратегик хорижий инвесторларни жалб қилиш, шунингдек, истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиши юзасидан лойиҳа ташаббускорларига ҳар томонлама кўмаклашиш, кейинчалик эса уларни амалга ошириш учун салоҳиятли маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб қилиш бўйича ишларни тизимли ташкил этиш [2].

Мазкур Фармон асосида қабул қилинган Стратегия тижорат банкларининг инвестицион кредитлаш борасидаги фаолиятини янада ривожлантиришда ҳам муҳим аҳамият касб этиб, бунинг натижасида банкларнинг мослашувчанлик, қайишувчанлик ва стратегик ривожланиш юзасидан ўз иш услубларини замонавий йўналишларда ўзгартиришга кучли бурилишларни келтириб чиқаради. Бу эса, пировардида, ҳам тадбиркорлар, ҳам тижорат банклари, ҳам давлат, ҳам жамият учун жуда катта иқтисодий ва ижтимоий самара ва ривожланишларни таъминлашга хизмат қиласи.

Шунингдек, иқтисодий жараёнларнинг чуқурлашиб бориши, халқаро интерграция жараёнларининг кучайиб бориши бугунги кунда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган 35 та тижорат банкларининг лойиҳаларни инвестицион кредитлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида мазкур соҳага оид халқаро тажрибаларни изчил тадқиқ этиб бориш ва ундаги самарали ютуқларни миллий қонунчилик ва халқаро меъёrlага мувофиқ ҳолда амалиётга фаол жорий этиб боришга алоҳида эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқдир.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисидаги” ПФ-5992-сонли Фармони. // www.lex.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартағи ПФ-5953-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури. // www.lex.uz